

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ



ДИНШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ



IX



МУНДАРИЖА

Р.Абдуллаев. Сўзбоши	3
I. ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ:	
ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	
У.Алимов. Диншунослик фанларини ўқитишдаги долзарб вазифалар.....	5
З. Исламов. Ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашда диншунослик атамалари қомусининг аҳамияти.....	7
Э.Ибрагимов, Г.Тулеметова, Р.Исоқжонов. Динамика развития религиоведения в Узбекистане (на материале анализа диссертационных исследований по религиоведению с 1992 по 2017 гг. и правительственных решений)	10
Д.Раҳимжонов. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда диншунослик фанларини ўқитишнинг аҳамияти	15
М.Алимова. Диншуносликни ўқитишда синквейн методидан фойдаланишнинг аҳамияти.....	17
G'.Arifjonov. Barkamol avlodni tarbiyalashda hushyorlik va ogohlik.....	19
С.Саиджалолов. Ислом ақидапарастликни қоралайди	21
И.Бекмирзаев. Ислом ҳуқуқи тизимини ўрганишга оид замонавий тадқиқотлар ва уларнинг қиёсий-методологик таҳлили.....	24
Б.Салимов. Диншунослик фанини ўқитишда инновацион технологияларни қўллашнинг долзарблиги	27
Н.Насруллаев. Ислом тарихи фанини ўқитишда даврлаштириш анъанаси	30
Р.Джураева. Олий таълим муассаларида интеграллашган ўқув-илмий ресурсларининг яратилиши.....	33
Х.Саттарова. Диншунослик фанини ўқитишдаги ёндашувлар ва услубий муаммолар.....	35
Н.Абдуллажанова. Диншунослик фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга доир мулоҳазалар.....	36
Д.Каландарова. Перспективы психологических исследований религии в Узбекистане	38
Н.Тўраев. Диншуносликни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш – замон талаби (“кейс стади” мисолида).....	40
А.Маллабаев. Яхудийлик дини таълимотида “Мишна”нинг ўрни	43
Z.Bobosheva. Buddaviylik dinining Xitoyga kirib kelishi va rivojlanishi.....	45
С.Холматова. Диншунослик фанларини ўрганишнинг аҳамияти.....	47
М.Мирадхамов. Arabshunos olim A.E.Shmidtning hayoti va ijodi.....	48

Динга уносликнинг долзарб муаммоларга

Юқорида баён этилган, биз томонимиздан баъзи ўзгаришлар қилинган кластер методининг афзаллиги шундаки, у талабаларни муайян бир саволга ўзининг имкониятларига таянган ҳолда жавоб излашга ўргатиб, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтишига хизмат қилади. Бунда талаба ўзига берилган саволга кўчирмачилик орқали эмас, балки ўзи тузган кластер ёрдамида жавоб топади. Натижада талабаларнинг ўзига бўлган ишончи ортади. Энг муҳими, бу технология қўлланилганда, аксарият талабалар берилган вазифани бажарадилар ва баҳоланадилар. Бу ҳам маълум даражада талабаларнинг дарсга бўлган қизиқишини ортишига олиб боради.

Таъкидлаш керакки, олий таълим тизимида биргина кластер технологиясидан эмас, балки бошқа инновацион таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда дарс олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро ҳозирги замон талаби – ҳар бир дарсни инновацион таълим технологияларини қўллаган ҳолда олиб боришни тақозо этади. Негаки, бугунги кун талабасининг кечаги кун талабасидан фарқи бор. Бугун талабага биргина анъанавий маъруза ёки савол-жавоб усули билан дарс ўтиб бўлмайди. Шундай экан, биз бугунги кун профессор-ўқитувчилари замон билан ҳамнафас бўлишимиз, ҳар бир дарсимизни инновацион таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб боришимиз шарт. Шунда иқтидорли, билимдон, зукко талаба-ёшлар сони кенгайиб, “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” каби эзгу мақсадларимизга эришишимиз имкониятлари янада ошади.

Н.Насруллаев,
Тошкент ислом университети,
тарих фанлари номзоди

ИСЛОМ ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ДАВРЛАШТИРИШ АНЪАНАСИ

Бугунги кунда дин, Ватан, миллат, маданият, миллий урф-одатларни сақлаш, ҳимоя қилиш, аجدодлардан бизгача етиб келган муқаддас ислом дини, қадриятлари ва тарихини келажак авлодга соф ҳолда етказиш иши долзарб бўлиб турган бир вақтда соҳа мутахассисларининг олдига улкан вазифалар қўйилади. Ватан равнақи ва озодлиги йўлида ҳамма бир тан бўлиб курашсагина юрт обод бўлади. Ҳозирда юртимизда миллатлараро, конфессиялараро муҳим воқеа-ҳодисаларнинг тўғри, тинчлик ва барқарорлик тамойиллари асосида амалга оширилиши боис, бу масалалар хусусида ижобий натижаларга эришилмоқда. Албатта, ислом тарихи фанидан таълим беришда юқоридаги мақсадларни тўғри англаган ҳолда холисона талқин қилишнинг аҳамияти беқиёс.

Тўғри, бутун мусулмон оламининг тарихини фақат бир китобда қамраб олиш мушкул. Уни ўнлаб китоблар билан ҳам тўлақонли ёритишнинг иложи бўлмаса керак. Чунки худди инсоният тарихи сингари бу жараёнларнинг ўрганилмаган қирралари кўп бўлганидек, уни инсон тафаккури илғамаган жойлари ҳам талайгина.

Тошкент ислом университетида ислом тарихи фани учун қадим Арабистон яриморолидан юртимизнинг то мустақиллик йилларигача бўлган даврий чегара қамраб олинади. Тарихий воқелиklar мусулмон мамлакатлари, Ўзбекистон тарихи ва ўлкадаги замонавий ислом масалаларига қаратилган мавзуларда ўз аксини топади. Жумладан, улар мантикий кетма-кетликда келтирилиб, ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунча ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича талабаларга Давлат Таълим Стандарти асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олинади. Хусусан, фан таълимида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалалари ҳам атрофлича ўрганилиши билан бир қаторда, ислом тарихи фанининг сўнгги ютуқларига ҳам эътибор қаратилади.

Фанни ўқитишда ислом тарихининг шаклланиши ва моҳияти, араб-мусулмон давлатлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва хусусий ҳаётидаги роли, муайян даврларда вужудга келган мафкуравий тизимлар ҳақида илмий тасаввурлар ҳосил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон анъанавий ислом тарқалган ўлкалардан бири экани, унинг жаҳон халқлари ижтимоий-маданий, диний-маърифий ҳаётидаги ўрни, ҳозирги замон ислом концепциялари, уларнинг ғоявий асослари ҳақида ҳолисона илмий маълумотлар бериш мақсад қилинади.

Фаннинг вазифаси – жаҳон ва минтақамизда ислом тарихи ҳақида мустақил фикр-мулоҳаза юритиш, илмий изланишлар олиб бориш, иш фаолиятида олимлар тадқиқот ва тажрибаларидан фойдаланишнинг замонавий тенденцияларига оид илмий қарашларига тегишли бўлган маълумотлардан унумли фойдаланиш ва уни қўллаш малакасини шакллантиришдан иборат.

Ислом тарихи бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, жумладан, манбашунослик, тарихшунослик, атамашунослик ва ўлкашунослик, Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи, меъморий ёдгорликлар ва эпиграфика, дипломатика, мусулмон мамлакатлари тарихи, исломшунослик ва бошқа фанларни ўрганишга асос бўлиб хизмат қилади.

Талабаларнинг ислом тарихи фанини етарлича ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув услубий қўлланмалар, илмий нашр, маъруза матнлари, тарқатмалар, хариталар, ёзма ва босма манбалар, шунингдек, электрон материаллар, плакатлардан фойдаланилади.

Ислом тарихи фанини ўқитишда даврлаштириш анъанаси деярли барча шу мазмундаги китобларга хос бўлиб, биз уларга Шарқ, Ғарб ва Европада нашр этилган кўп адабиётларда гувоҳи бўлдик. Изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, ислом тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар узоқ ўтмишдан шу кунимизгача бўлган тарихий жараёнларни даврлаштириш (хронологик) тарзида олиб борганлар. Бунга жуда кўп мисоллар келтириб ўтишимиз мумкин. Лекин асл мақсадимиз бу эмас. Энг асосийси, унинг узоқ асрлик тажрибадан ўтгани ва юқори натижаларга эришилгани ҳамда ишнинг самарадорлигида.

Университетимизда тарих йўналиши талабалари учун учинчидан то еттинчи семестрларгача ислом тарихи фанидан таълим берилади. Мазкур босқичларда фан қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади. Жумладан, учинчи ва тўртинчи

семестрларда дастлаб фан предмети, мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Арабистон яриморолида вужудга келган энг қадимги жамиятлар таҳлил этилиб, Жанубий, Шимолий, Марказий Арабистон ва Ҳижоздаги қадимги давлатлар ҳақида маълумотлар берилади. Кейинги мавзулар ҳудуддаги турфа динлар ва яккахудолик тушунчаларининг шаклланиши, ваҳий келгунга қадар Муҳаммад (а.с.)нинг Макка ва Мадинадаги ҳаёт фаолиятлари ёритилади. “Умма”нинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, Бадр, Уҳуд, Хандақ ва бошқа ғазотлар, Ҳудайбия сулҳи, видолашув ҳажи, ислом таълимоти тизимининг шаклланиши, ҳулафои рошидин даври, умматнинг қайта бирлашишига оид материаллар билан очиб берилади.

Бешинчи ва олтинчи семестрларда умавийлар давлатининг ташкил топиши, Мовароуннаҳр фатҳи, Аббосийлар давлати: тараққиёт даври, мустақил мусулмон давлатлари, Шимолий Африка давлатлари, Андалусияда исломнинг тарқалиши, салб юришлари ва эришилган натижалар, Мамлук султонлиги каби мавзулар билан тугайди.

Олтинчи ва еттинчи семестрларда мўғуллар босқини даврида Мовароуннаҳр, усмонийлар давлати: ташкил топиш, тараққий этиш, юксалиш ва инқирозга юз тутиш тарихи, Ўрта Осиё, Хуросон ва Яқин Шарқда Амир Темур ва темурийлар сулоласи: сиёсий-ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаёт тарзи, Дашти қипчоқ ўзбеклари шайбонийлар давлатининг асосчилари сифатида, Бобур ва бобурийлар салтанати тарихнавислиги, уч хонликлар даврида Ўрта Осиёдаги диний вазият, XVIII аср охири – XIX аср бошларида Жанубий Туркистон, Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати: диний-фалсафий ва ижтимоий фикр каби масалалар ўрганилади.

Еттинчи ва саккизинчи семестрларда Туркистон миллий-озодлик ҳаракатларида диний ислохотчилик ғоялари, XX аср биринчи ярмида ислом динига нисбатан олиб борилган сиёсат, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасининг фаолияти, XX аср охири – XXI аср бошларидаги сиёсийлашган оқимлар ва уларга муносабат, Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши ва ўз тараққиёти йўлидаги илдам қадамлар, ислом ва ҳозирги замон фани билан боғланиб кетади.

Кўриб турганимиздек, фан бўйича мавзулар кетма-кетлиги даврий босқичларга тақсимланган. Айнан бу услуб талабада илк ислом таълимотининг шаклланиши ва тарихий босқичлари, фанга оид илмий-амалий масалаларни ечиш услублари, даврлаштириб ўрганиш, исломнинг дунё тараққиётига қўшган ҳиссаси, мусулмон сулолалари ва ислом тарихининг ўзгарувчан характери ва ривожланиш тенденциялари ҳақидаги билимларни ўзлаштира олиши самарадорлигини оширади. Натижада талаба ҳулосавий билимлар ҳосил қилиш, уларни далиллаш, муаммоларни ҳал этиш, фаразларни илгари суриш ва асослаш илмий назарияларининг мантиқий тузилмасини билиш, Марказий Осиё мутафаккирлари, миллий мафкура илдизлари, умуминсоний қадриятлар, ислом тарихининг бугунги ҳолатини мустақил таҳлил этиш, ислом тарихига оид маълумотларни ахборот ва юксак технологиялар, шунингдек, глобаллашув имкониятлари орқали илмий ўрганиш; тарихда рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ислом тарихига таъсирини таҳлил этиш, методологияни қўллай билиш, унда диалектик, синергетик, тизимли ёндашувлар ва фалсафий услубларни қўллай олиш имкониятларига эга бўлади.

Дингауносдикининг долзарб муаммолари

Ислон тарихи фанини даврлаштириб ўрганиш бўлажак тарихчиларни тайёрлашдаги аниқ мақсадлар сари йўллаб, талабаларда етарлича билим, кўникма ва малака ҳосил қилишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, тарихчи мутахассис мавзуга оид маълумотларни юксак технологиялардан фойдаланиб, глобаллашув шароитларини ҳисобга олиб, масаланинг назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қила олиши мумкин. Бунда, албатта, маълум услубларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, даврлаштириш анъанасига кўра, воқелик маълум бир давр билан чекланади, лекин мавзу торайган сари унинг ичига кириб бориш имкониятлари кенгаяди.

Р.Б.Джуроева,

Тошкент ислон университети,
катта ўқитувчи

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА ИНТЕГРАЛЛАШГАН ЎҚУВ-ИЛМИЙ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Асримиз глобаллашув ва ахборот асри деб юритилмоқда. Ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини бугун ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан замонавий компьютерлардан самарали фойдаланишга доир бир нечта қарорлар қабул қилинган. Таълимда информацион ҳамда педагогик технологияларни қўллаганда, талабалар эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиш учун маълум бир шарт-шароитлар ва техник воситалар мавжуд бўлиши лозим. Буларга ахборот ресурслари ва махсус дастурий таъминотлар киради.

Ахборот ресурслари сифатида: шахсий компьютерлар, проектор, мультимедиа воситалари, сканер, рақамли фотоаппарат, видеокамера, принтер, электрон доска ва бошқа ресурслардан кенг фойдаланилмоқда.

Махсус дастурий таъминотларга: таълим тизимида мультимедиа ли электрон ўқув мажмуа, маърузалар, виртуал лаборатория ишлари, ҳар хил анимацион дастурлар ва яна бошқа ишларни бажариш керак бўладиган махсус дастурлар киради.

Масалан, кафедрамизда анимацион роликлар яратиш учун Macromedia Flash MX дастуридан фойдаланилади. Мультимедиа ли тақдимот маърузаларини яратишда Power Point Macromedia Authorware дастури қўлланилади, электрон ўқув адабиётларни яратиш давомида кенг фойдаланиладиган таҳрирловчи дастурлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан Adobe Photoshop дастуридан расмларни таҳрирлаш, сифатини оширишда фойдаланилади, Corel Draw дастури орқали ҳар хил графикларни яратиш мумкин, товуш ва видеоларни таҳрирлаш учун мос равишда Sound Forge ва Adobe Premier дастурларидан, шунингдек, дарс таълим тизимида тайёр ишлаб чиқилган мультимедиа ли электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланилмоқда.